# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 21 май, № 99 (6534) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Анни қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлиб, ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасига ва Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ташрифлар якунига кўра юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзолангани бунинг тасдиғидир.

Корея Республикаси мамлакатимизнинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкоридир. Жанубий Кореянинг «Хундай», «Самсунг», «Эл-Жи», «ЖиЭм-Корея», Корея газ корпорацияси, «Лотте Кемикал», «ЖиЭс», «Поско-Дэу», «Кореан Эйр», «Шингдонг», «Колон» каби етакчи компаниялари кўп йиллардан буён Ўзбекистон билан ҳамкорликда мамлакатимизда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган тўғридан-тўғри инвестициялари 7 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистонда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 449 корхона фаолият юритмоқда, 79 компаниясининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Корея Республикаси Бош вазирининг ташрифи муҳим воқеа — Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг якунланиши ва унинг ишга туширилишига тўғри келгани янада аҳамиятлидир. «Самсунг Инжиниринг», «Хундай Инжиниринг» ва «ЖиЭс» компанияларини жалб этган ҳолда, Корея газ корпорацияси ва «Лотте Кемикал» компанияси таркибидаги Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилган, қиймати 4 миллиард долларга тенг ушбу лойиҳа Ўзбекистон — Жанубий Корея инвестициявий ҳамкорлигининг яққол намунасидир.

Муваффақиятли инвестициявий ҳамкорликка доир яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик соҳаларида, янги турдаги қурилиш ва пардозлаш материаллари, юқори самарали фармацевтика препаратлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қатор муҳим қўшма лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан ҳам биридир. 2015 йил якунлари бўйича икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 1,7 миллиард доллардан ошди. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида Жанубий Кореянинг муҳим савдо шеригидир. Корея Республикасининг минтақамиз давлатлари билан савдо айланмасининг ярмидан кўпи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади.

Учрашув чоғида нефть-газ соҳаси, транспорт инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни биргаликда тайёрлаш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, машинасозлик саноати ва бошқа соҳаларда янги корхоналар ташкил этиш, Ўзбекистонда давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида Жанубий кореялик инвесторлар иштирокини кенгайтириш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Хван Гё Ан самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ва кенг кўламли савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ҳамда молиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

# ҲАМКОРЛИК ЮКСАК СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳрида 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўлами барча соҳада кенгайиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳурмат, яқин дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган. Икки давлат ўртасидаги алоқалар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация асосида тараққий этмоқда.

Икки давлат ўртасида савдо алоқалари борасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган савдо, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга оид битимлар савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни янги мазмун билан бойитиш, мамлакатларимиз ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Сурғил кони негизида бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан Жанубий Кореяда Ўзбекистон билан муносабатларни кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралишини алоҳида қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболига оид кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ**

# Ўсимликлар муҳофазаси ва масъулият

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда парламент қуйи палатаси аъзолари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздавкарантин" инспекцияси, Божхона қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ҳозирги глобаллашув шароитида юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўсимлик маҳсулотларини экспорт ҳамда импорт қилиш бўйича савдо муносабатлари ва товарларни давлатлараро айирбошлаш жараёни кенгайиб бораётганида яққол намоён бўлаётгани таъкидланди. Ўз навбатида, хорижий давлатлардан ўсимлик уруғлари, мева-сабзавот, полиз экинлари ҳамда манзарали ўсимликлар янги навларининг келтирилиши фитосанитария назоратини, ташқи ва ички карантин тадбирларини янада кучайтиришни тақозо этади. Бинобарин, қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган барча турдаги хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ҳамда бегона ўтларнинг республика ҳудудига кириб келишининг олдини олиш долзарб масалалардан биридир.

Мутахассислар фикрича, зарпечак бегона ўти ёки колорадо қўнғизи билан зарарланган картошка майдонида белгиланган муддатларда зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, ҳосилдорлик 2-3 баравар камайиб кетади. Боғ ва токзорларнинг девпечак билан зарарланиши эса уларнинг қуришига сабаб бўлади. Шу боис яшил оламни самарали ҳимоя қилиш сифатли ҳамда юқори ҳосил олишда катта аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ**

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларнинг мазкур вилоятда ижро этилишини ўрганиш натижаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

# Тадбиркорлик равнақининг муҳим омили

Унда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улуши ҳамда унинг рақобатдошлигини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда ўтган даврда соҳа ривожида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган бир қатор қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Шулардан бири Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунидир.

Мазкур ҳужжат нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улушини янада кенгайтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилишни рағбатлантириш, салоҳиятли сармоядорлар барча тоифасининг хусусийлаштириш жараёнида тенг равишда қатнашишини таъминлаш, бу соҳадаги битимларнинг очиқ ҳамда ошкоралигини кафолатлаш, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишларида кенг имконият яратди.

(Давоми 2-бетда).

# Барқарор фаолият эътирофи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Марказий банк ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ресурс базасини мустаҳкамлаш — иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

**КОНФЕРЕНЦИЯ**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси мутасаддилари, молия-кредит ташкилотлари мутахассислари, етакчи тижорат банклари раҳбарлари, хорижий молия институтлари ходимлари, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётнинг барча соҳаси қаторида молия-банк тизимида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, жорий йилнинг уч ойида Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бажарилаётган ишлар натижасида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,6 фоизни ташкил қилган бўлса, ликвидлиги 64,5 фоизга етказилди. Эътиборлиси, ҳар иккала кўрсаткич ўрнатилган халқаро талаблардан бир неча баробар кўпдир.

Шунингдек, банклар капитали ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23,3 фоиз, активлари 25,4 фоиз, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари 26,7 фоиз, молия муассасаларига жалб қилинган депозитлар 30 фоиз кўпайди.

Бундай ижобий фаолият нуфузли халқаро ташкилотлар баҳоларида ҳам ўз аксини топмоқда. Айни пайтда "Standard & Poor's", "Fitch Ratings", "Moody's" сингари халқаро рейтинг агентликларининг ижобий баҳосига лойиқ кўрилган молия муассасалари сони 2010 йилдаги 15 тадан 26 тага етгани ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

# ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) раислиги доирасида жорий йилнинг 23-24 май кунлари Тошкент шаҳрида ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлади.

Шу муносабат билан пойтахтимизда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари А. Носиров журналистларга ушбу мажлисга тайёргарлик жараёни, йиғилиш кун тартиби, муҳокама этиладиган масалалар ҳақида маълумот берди.

ШҲТ фаолиятида ташқи ишлар вазирлари кенгаши алоҳида ўрин тутади. Ушбу кенгаш ШҲТ органлари қарорлари ижросини ва умумий мувофиқлаштиришни таъминловчи марказий бўғин ҳисобланиб, ташкилот доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича турли йўналишларда таклифлар киритади.

Таъкидланганидек, мажлисда ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонидан шу йил июнь ойида Тошкентда ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишининг кун тартиби лойиҳаси, саммитда имзоланиши режалаштирилаётган ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Ташкилот доирасини кенгайтиришда ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мўлжалланмоқда. Ташқи ишлар вазирлари йиғилишида Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга аъзоликка қабул қилиш бўйича ушбу давлатларнинг ваколатли вакиллари билан олиб борилаётган музокара жараёни кўриб чиқилади.

Мажлисда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш, ШҲТнинг кузатувчи давлатлари ва мулоқот бўйича шерикларини ташкилот доирасида амалий ҳамкорликка кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинади.

Ташқи ишлар вазирлари йиғилишида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти олдида турган вазифалар, ШҲТга аъзо давлатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни қабул қилиш, маданий ва иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲАМКОРЛИК ЮКСАК СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу куни Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Бош вазирлари Тошкентда Корейс маданияти ва санъати уйи қурилиши ишларининг бошланишига бағишланган маросимда иштирок этди.

Мазкур даргоҳ мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқалари ва халқларимизнинг ўзаро дўстона ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари қаторида корейс миллатига мансуб ватандошларимизнинг ҳам ўз миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши, бойитиши ҳамда келгуси авлодларга етказиши учун кенг имкониятлар яратилган. Корейс миллати вакиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётининг барча жабҳасида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида 300 нафарга яқини мамлакатимизнинг давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

2017 йилда қуриб битказилиши мўлжалланаётган Корейс маданияти ва санъати уйи корейс халқининг бой маданияти ҳамда ўзига хос санъати, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда тарғиб қилиш учун қулай замин яратади.

— Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда Корейс маданияти ва санъати уйи барпо этилиши мамлакатингизда корейс миллатига мансуб фуқароларга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, — деди Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан. — Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлса-да, маданиятимиз ва анъаналаримиз ўхшаш, халқларимизнинг фазилатлари ҳамда мақсадлари муштарак. Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасида 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан сўнг қисқа фурсатда икки томонлама муносабатлар стратегик ҳамкорликнинг юксак даражасига кўтарилгани бизни жуда қувонтиради.

Мазкур даргоҳ ўзбек ва корейс халқларининг ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш баробарида, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг изчил ривожланишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Корея Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Юксак мартабали меҳмон Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу муаззам майдонда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқори баҳо берди.

Хван Гё Ан Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб, соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар билан танишди.

**ЎзА.**



# Тежамкор технологиялар — давр талаби

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан “Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2016” ҳамда “Энергетика — Power Uzbekistan — 2016” халқаро кўргазмалари доирасида “Энергия самарадорлиги ва энергиянинг қайта тикланадиган манбалари — иқтисодиётни барқарор ривожлантириш асоси” мавзуида анжуман ташкил этилди.

**АНЖУМАН**

Унда иқтисодиёт тармоқлари корхоналари раҳбарлари, олимлар, халқаро ташкилотлар экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўртача 8 фоиз ўсиб, иқтисодиётимизда барқарор ривожланиш жараёни кузатилаётгани, бунда 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилишга мўлжалланган дастур асосида кўрилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Чунки ушбу дастурда технологик жараёнларни муқобиллаштириш орқали саноат ва ижтимоий объектларни модернизациялаш, самарадор энергия ускуналарига асосланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил қилиш ҳамда ана шундай жиҳозларни маҳаллий корхоналарда тайёрлашни ўзлаштириш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган.

Айтиш жоизки, айни пайтда юртимизда мазкур йўналишда кўплаб лойиҳалар амалга оширилаяпти. Пировардида жорий йилнинг ўзида 500 миллион кВт/соат электр энергияси ва 150 миллион куб метр табиий газ тежалиши кутилмоқда. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш туфайли эса йилига 250,1 миллион кВт/соат электр қуввати, 3 миллион куб метр табиий газ ҳамда 20,1 Гкал иссиқлик энергияси иқтисод қилинади.

Бундан ташқари, Иқтисодиёт вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигида “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” қўшма лойиҳаси доирасида бажарилаётган юмушлар ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, ушбу лойиҳага биноан, иқтисодиётимизнинг нефть-газ, кон-металлургия, кимё, қурилиш, қайта ишлаш каби 30 дан ортиқ соҳаларида 80 дан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир. Бу ҳам саноат корхоналарида йилига 540 миллион кВт/соат электр энергияси ва 252 миллион куб метр табиий газни тежаш имконини беради.

Тадбирда мазкур йўналишдаги бошқа лойиҳалар бўйича ҳам батафсил маълумот тақдим этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўсимликлар муҳофазаси ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар бажарилгани айтиб ўтилди.

Чунончи, ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан ҳозирги вақтда дунё бўйича рўйхатда турувчи 335 дан зиёд ўсимликларга оид карантин организмларининг мамлакатимизга кириб келиши ва экспорт қилинаётган ўсимликлар билан бошқа давлатларга тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мисол учун, 2013 йилда 43 минг, 2014 йилда 42,9 минг гектар ҳамда 2015 йилда 42,7 минг гектар экин майдонида 24 хил карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларга қарши назорат ишлари бажарилган ҳамда карантин объектлари борлигига гумон қилинган жойлардан намуналар олиниб, “Ўзбошдавкарантин” инспекцияси марказий карантин лабораториясида экспертизадан ўтказилган. Шунингдек, инспекция томонидан чет давлатларга экспорт қилинадиган пилла ва пахта толаси, импорт ҳамда экспорт билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга тегишли омборхоналар ҳамда бўш транспорт воситалари зарарсизлантирилган.

Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикаси фермер ва деҳқон хўжаликларида, корхона ҳамда ташкилотларда зараркунандаларга қарши биологик усулда курашиш изчиллигини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш юзасидан соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазалари олинди ҳамда ушбу соҳага таалluқли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркорлик равнақининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу Қонун ва давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларнинг Тошкент вилоятида ижро этилиши ўрганиб чиқилди, — дейди сенатор Н. Содиқов. — Унинг натижаларига кўра, давлат мулкидан оқилона фойдаланиш, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини ва бўшаётган ер участкаларини кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш ва бошқа йўналишларда муайян чора-тадбирлар амалга оширилганлиги маълум бўлди. Масалан, давлат мулки объектларининг оммавий савдоларга қўйилиши ҳамда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиш шарти билан “ноль” харид қийматида сотилиши бўйича тегишли ишлар бажарилган.

Тадбир иштирокчилари томонидан давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларга асосан, жами инвестиция мажбуриятлари эвазига “ноль” харид қийматида сотилиши белгиланган давлат объектларидан 161 таси сотилгани алоҳида қайд этилди. Шунга мос ҳолда, 2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра,114 та давлат объектида инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши доирасида 53 миллиард сўмдан ортиқ ҳамда 202,8 минг АҚШ долларилик сармоя киритилган.

Муҳокама чоғида Қонун ва давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурлар ижросини таъминлаш борасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани айтиб ўтилди.

Мажлис қатнашчилари томонидан соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларни инвентаризациядан ўтказиш, мазкур Қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси борасида жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли дастурлар ижроси бўйича парламент назоратини кучайтириш каби масалалар юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

- **Пойтахтимизда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли” мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

- Тошкентда гематология ва трансфузиология соҳасида юқори технологияли усулларнинг қўлланилиши мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда гематология соҳасида юқори технологияли диагностика усулларидан кенг фойдаланиш, хасталикларни тез аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ҳамда даволашда замонавий ёндашувларга доир масалалар муҳокама қилинди.

- **Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 2016 — 2020 йилларда “Таълим” комплекс ахборот тизимини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.**

- Навоий вилоятида “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шиори остида дўстлик ва маданият фестивали ташкил этилди. Анжуманда миллий маданият марказлари бадиий жамоалари ижросида Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янграти.

- **Андижонда “Ўқувчилар маънавияти ва кийиниш маданияти” мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ёшларнинг турли ёт ғоялар ҳамда “оммавий маданият”га қарши маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, интернетдан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# Давлат ва жамият таянчи

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Оила” илмий-амалий маркази ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида “Оила институти ва оила қадриятларининг ривожланиш истиқболлари” мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

**2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил қилинган мазкур тадбирда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда илмий жамоатчилик вакиллари, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугун юртимизда оилалар сони 7 ярим миллиондан ошган бўлиб, ҳар йили 250 — 300 минг янги оила вужудга келмоқда. Шу нуқтаи назардан, халқимизнинг турмуш тарзи, миллий ва маънавий қадриятларимиз асосида оила институтини ривожлантириш Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат ҳамда жамият тараққиётининг ўзига хос кўзгуси бўлган оилани қадрлаш, ушбу муҳим бўғинда ҳар томонлама соғлом муҳитни қарор топтириш чора-тадбирлари кўлами тобора кенгаймоқда. Эътиборлиси, мазкур жараён Соғлом она ва бола йилида яна бир поғона кўтарилди. Амалиётга йўналтирилган Давлат дастурига мувофиқ, оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, оила институтини ривожлантиришда давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан белгиланган аниқ вазифалар рўёбга чиқарилаётир.

Бунинг самарасида жамиятнинг ахлоқий асоси, маънавият ўчоғи, миллий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш манбаи — оиланинг ижтимоий институт сифатидаги мақоми мустаҳкамланмоқда. Оила кодекси ва бир қатор қонун ҳужжатлари оилаларнинг давлат ҳамда жамият томонидан муҳофаза қилиниши билан боғлиқ конституциявий нормани ҳаётга изчил татбиқ этишда ҳуқуқий асос бўлаётир.

Оила институтини ривожлантиришга йўналтирилган қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик ҳам ташаббус, фаоллик кўрсатаётир. Айниқса, оилалардаги соғлом маънавий муҳитни янада барқарорлаштириш, ёшлар онгига оила қадриятларини чуқур сингдириш борасидаги саъй-ҳаракатларда фуқаролик институтларининг иштироки кенгаймоқда. Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан маҳаллаларда “Оилага кириш”, “Саломатлик”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Таълим ва тарбия”, “Бандлик” жамоатчилик секторлари фаолияти йўлга қўйилди. Оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маиший муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал қилишда, турли оилавий низоларнинг олдини олишда ушбу секторларнинг роли ва ўрни ортиб бораётгани эътирофга лойиқ. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида аёлларнинг бандлигини таъминлаш, кредит маблағлари эвазига оилаларнинг даромад манбаларини яратиш ишлари ҳам доимий диққат-эътиборда.

Тадбирда шулар хусусида батафсил сўз юритилди. Ёшларни оилага тайёрлаш, оилалардаги соғлом муҳитни ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат асосида шакллантириш, фарзандларни гўзал ахлоқли, жисмоний ва маънавий етук қилиб тарбиялаш, қўни-қўшничилик, маҳалла қадриятларини тарғиб этиш, шу орқали жамиятда ўзаро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди. Оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳаллалардаги хайрия ва жамоат ишларига аҳолини, аввало, ёшларни жалб этиш, мазкур институтнинг мавқеини юксалтириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Барқарор фаолият эътирофи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг барчаси мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда барқарор банк тизимини шакллантириш, иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг муҳим тармоқларидан бирига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар шарофатидир. Шу маънода, айтиш мумкинки, республикамиз банк тизимида ушбу йўналишдаги ишларга бундан кейин ҳам жиддий эътибор қаратилиши, шубҳасиз.

Анжуманда банкларнинг капиталлашув даражаси ҳамда инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари, ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилиб, илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

**Д. ЖУМАБОЕВ.**

# Табиат — бебаҳо бойлик



Инсон турмуш тарзини табиатдан айро тасаввур қилиш қийин. Чунки кундалик эҳтиёжимиз учун ишлатиладиган маҳсулотлар она-заминга дахлдор. Шу маънода айтиш мумкинки, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш давр талабидир. Бироқ инсоният ҳар доим ҳам мазкур оддий ҳақиқатга тўлиқ амал қилавермайди. Ваҳолонки, улар битмас-туганмас ёки чексиз эмас.

**22 МАЙ — ХАЛҚАРО БИОЛОГИК ХИЛМАХИЛЛИК КУНИ**

Маълумотларга кўра, кейинги юз йил ичида турли антропоген таъсирлар туфайли табиат неъматларининг тури ва сони сезиларли даражада камайиб бораётгани ана шундан далолат беради. Шунинг учун бугунги кунда жаҳонда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ушбу масалаларга омма эътиборини кенг жалб қилиб, маълум саналарда табиатни асрашга қаратилган турли илмий-амалий анжуманлар ўтказиш анъанага айланган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 22 майни “Халқаро биологик хилмахиллик куни” сифатида нишонлаш белгилаб қўйилгани шу каби саъй-ҳаракатлар самараси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги Конвенция алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон мазкур Конвенцияга 1995 йилда қўшилган бўлиб, шундан буён юртимизда унинг талаблари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни мақсадда йигирмадан ортиқ қонунлар ҳамда юзлаб қонуности ҳужжатлари қабул қилингани, қолаверса, Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, унда муҳофаза этиладиган ҳудудларни ташкил қилиш, мавжудларини кенгайтириш, биохилмахилликка зиён етказмасдан фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш ана шулар сирасига киради.

— Ўтган йили республикамизда тайёрланган Биологик хилмахилликни сақлаб қолиш ҳақидаги бешинчи миллий маърузада Конвенция талаблари ижроси юзасидан бажарилган ишлар, кузатувлар, таҳлиллар ва келгусидаги долзарб вазифалар тўғрисида маълумотлар акс эттирилди, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзоси Фахриддин Холбоев. — Кўриниб турибдики, юртимизда биохилмахиллик борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Масалан, 2006 йилда “Жайрон” экомарказининг майдони 16504 гектарга етказилган бўлса, истиқболда уни яна 4500 гектар кенгайтириш режалаштирилган. Шунингдек, 2010 йили Бухоро вилоятида “Қумсултон” ҳамда “Хадича” давлат буюртмахоналари ва “Пайкент”, “Варахша” табиат ёдгорликлари, 2011 йилда эса муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг янги типи саналган Қуйи Амударё биосфера резерватига асос солинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 2014 — 2024 йилларда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини 8,1 миллион гектарга етказиш орқали ривожлантириш Дастури лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Умуман, юртимизда табиат инъом этган неъматларни келгуси авлодларга безавол етказиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самараси амалда яққол намоён бўлаяпти. Бу эса атроф-муҳит мусаффолиги, аҳоли саломатлиги ва экологик барқарорликни таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

**У. МУРОДОВ.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

## Ўзиюрар такси

*Халқаро миқёсдаги “Uber” такси компанияси ўзининг ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобилини расман омма эътиборига ҳавола этди.*

У гибридли двигатель ўрнатилган “Ford Fusion” модели базасида яратилган. Эътиборлиси, ушбу автоулов мустақил равишда тезлаша олади, тўхтайди, йўл қоидаларига риоя этади, масалан, пиёдаларга йўл беради. Ўз навбатида, унда хоҳлаган вақтда қўл бошқарувига ўтиш имконияти ҳам мавжуд. Айни пайтда радарлар, лазер сканерлари ва юқори ўлчамли камералар ўрнатилган мазкур ўзиюрар машинадаги автопилот бошқарув тизими мураккаб шароитларга эга ҳудуд, хусусан, тор кўчалари ва ўзгарувчан об-ҳавоси билан машҳур Питтсбург (АҚШ) шаҳрида синовдан ўтказилаяпти.

*АҚШнинг “Tesla Motors” компанияси яқинда тақдим этган “Model 3” русумидаги электромобилларига келиб тушган буюртмалардан 12200 таси бекор бўлганини маълум қилди.*

## Буюртмалар бекор бўлди



Шу боис мазкур бренд харажатларни қоплаш учун оддий акцияларини 2 миллиард АҚШ долларига сотмоқчи.

Компанияга 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги қўшимча инвестиция йўналтириш тўхтатилгани ҳақидаги хабарлар аён бўлгач, юқоридаги ҳолат келиб чиққан. Шунга қарамай, ҳозирча янги транспорт воситасини сотиб олиш бўйича 373 мингта мурожаат мавжуд. Бу эса “Tesla”га янги натижаларга эришиш учун умид бағишлаяпти.

## Энг йирик савдо

*Шу ҳафтда Буюк Британиянинг “Sotheby’s” кимошди уйи ўз фаолияти давомидаги энг кўп даромадни қўлга киритди.*

Бунда “Ноёб пушти” номли ноксимон олмос 31,6 миллион АҚШ доллари эвазига номаълум мижоз томонидан сотиб олингани муҳим аҳамият касб этди. Барча харидга кўра, ушбу компания 171 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағга эга бўлди. Бундан аввалги энг катта кўрсаткич ўтган йили (161 миллион АҚШ доллари) кузатилганди.

## Ўзгаришсиз қолди

*Францияда ишсизлик даражаси жорий йил биринчи чорагида ўзгармади. Худди 2015 йилнинг сўнгги уч ойида бўлгани каби ушбу кўрсаткич 9,9 фоизлигича қолди.*

25 — 50 ёш оралиғида ишсизлар сони ўсган бўлса, аксинча, кексалар ўртасида камайди. Айни пайтда 2 миллион 800 минг нафар француз доимий даромад манбаига эга эмас, 1 миллион 238 минг нафар ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг 4,3 фоизи, мана, бир йилдан ошиқ вақт ўтибдики, иш қидирмоқда.

## Марс «яқинлашди»




*Марс сайёрасининг “Hubble” космик телескопи кўмагида энг яқин масофадан туриб туширилган тасвири намойиш этилди.*

Суратнинг бир пиксели 50 километрлик масофани қамраб олган. Расмда планетанинг қутб қалпоқлари, булутлар, Катта Сирт платоси, мазкур ҳудуддаги вулқон, диаметри 1770 километрлик Эллада овалсимон текислиги, кўплаб каналлар ва кратерлар кўзга яққол ташланади. Булар “Қизил сайёра”ни янада яқиндан ўрганиш имконини беради.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР


## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 7 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янгиовул» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган қўй қўраси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 158 385 792 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай тумани судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Нанай» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 326,0 кв.м., фойдаланиш майдони 61,75 кв.м., 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 41 240 259 сўм.***

Кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Батафсил маълумот олиш учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

787R/465



## «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2016 йил 21 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 18 апрелдаги 11-1504/12952-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент қишлоғида сақланаётган спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш технологик ускуналари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 000 000 000 сўм.***

Закалат миқдори — 10%. Аукцион савдосига қўйилган технологик ускуналар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим.

2016 йил 21 июнь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига АТ «Туронбанк» ҳисобидаги, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/505 РСА бўлган, «Mazda-6» русумли ҳамда 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/020 МСА бўлган, «Mazda-6» русумли автомашиналар қўйилмоқда.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 63 885 000 сўм.***

Закалат миқдори — 15%.

Аукцион ғолиби автомашинани сотиб олиш баҳосидан ташқари, савдо ташкилотчисига сотув баҳосининг 3 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлайди.

Мазкур технологик ускуналар ва автомашиналар сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2016 йил 28 июнь куни ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари тегишли соатларда ўтказилади. Аукцион ғолиблари савдо ўтган санадан бошлаб 20 (йигирма) кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган савдо ташкилотчисининг аукцион залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдодан бир кун олдин соат 10.00 да ва 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) ҳамда 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «InfinBANK»даги, МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

786R/358

**Манзил: Тошкент ш., Амир Темур 1-тор к., 6-уй. Тел.: (+99895) 193-74-96. E-mail: info@auksion.uz** *Гувоҳнома № 005148.*



## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 6 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

**I.** Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан:

**1.** ЖИБ Зангиота тумани судининг 2014 йил 4 июлдаги 1-630/14-сонли ижро варақаси бўйича қўзғатилган 16561/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 U 075 JA бўлган, «Nexia» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 18 067 565 сўм.***

**2.** ЖИБ Қибрай тумани судининг 2014 йил 12 декабрдаги 1-871/14-сонли ижро варақаси бўйича қўзғатилган 3320/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 T 892 JA бўлган, «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 19 339 560 сўм.***

**3.** ЖИБ Зангиота тумани судининг 2014 йил 10 апрелдаги 1-574/14-сонли ижро варақаси бўйича қўзғатилган 14987/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 G 285 OA бўлган, «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 16 181 280 сўм.***

**4.** ЖИБ Олмалиқ тумани судининг 2014 йил 24 январдаги 1-739/14-сонли ижро варақаси бўйича қўзғатилган 6306/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 A 249 AA бўлган, «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 16 968 878 сўм.***

**II.** Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан:

**1.** 2016 йил 8 февралдаги 887-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 K 471 MA бўлган, «ГБА СПГ Nexia SOHC» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 29 289 414 сўм.***

**2.** 2014 йил 16 июндаги 11511-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 F 552 FA бўлган, «ГБА СПГ Nexia» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 25 046 739 сўм.***

**3.** 2015 йил 10 ноябрдаги 10903-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Q 417 EA бўлган, «ГБА СПГ Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 25 342 901,76 сўм.***

**4.** 2015 йил 10 ноябрдаги 10902-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 T 123 HA бўлган, «ГБА СПГ Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 14 197 454,40 сўм.***

**5.** 2014 йил 7 ноябрдаги 18136-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 J 323 HA бўлган, «Nexia SOHC» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 28 767 184 сўм.***

**6.** 2013 йил 4 октябрдаги 14546-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 A 92 19 бўлган, «ВАЗ-21-011» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 717 921 сўм.***

Шунингдек, 2016 йил 22 июнь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**I.** Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 2 майдаги 4045-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 294 EA бўлган, «ГБА СПГ ВАЗ-21051» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 1 549 369 сўм.***

**II.** Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:

**1.** 2013 йил 25 ноябрдаги 11-1332/5264-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 140 AAA бўлган, «ГАЗ-3102» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 20 246 000 сўм.***

**2.** 2015 йил 30 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 290 XAA бўлган, «Spark» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 35 514 000 сўм.***

**3.** 2015 йил 19 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 933 EA бўлган, «Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 15 303 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 январдаги 11-1505/19638-сонли ва 2016 йил 5 мартдаги 11-1602/1559-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 265 TAA бўлган, «Nexia» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 35 897 000 сўм.***

**5.** 2014 йил 25 мартдаги 11-1403/1622-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 414 CAA бўлган, «Лада-21154-120-20» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 20 532 000 сўм.***

**6.** ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 2016 йил 6 январдаги 1-1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 981 CA бўлган, «ГБА СПГ ВАЗ-2106» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 6 596 043 сўм.***

**III.** Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан:

**1.** 2016 йил 12 январдаги 1-249-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 835 KA бўлган, «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 16 520 000 сўм.***

**2.** 2015 йил 27 майдаги 3839-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 O 073 LA бўлган, «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.***

**3.** 3325-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1960 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 S 8299 бўлган, «Волга-М-21» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 4 294 000 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (+99895) 177-84-77.**

Гувоҳнома № 004593.

780R/357



**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалига қарашли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Қоронкўл қишлоғида жойлашган дам олиш маскани бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Кўчмас мулкларнинг тавсифи: умумий майдони — 0,87 гектар, фойдаланиш (қурилиш) майдони — 2893,87 кв.м., янги, замонавий материаллар ва талаблар асосида алоҳида коттежлар сифатида қурилган, 0004 — 0031-литерлардан иборат, жами 28 та бино-иншоот мавжуд. Объект 450 кв.м. девор билан ўралган, ички ҳовли йўлаклари майдони — 4300 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 10 741 804 340 сўм.***

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган санадан бошлаб 20 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Дастлабки савдо 2016 йил 23 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

Объект дастлабки савдо санасида сотилмай қолган тақдирда, кейинги савдолар ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта билан шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— ушбу хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй,**
**«Universal realtor» МЧЖ.**
**Телефон: (0-371) 150-35-55. Факс: (0-371) 236-74-67.**
**www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

782R/609



## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2016 йил 22 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан 2015 йил 18 майдаги 11-1535/4570-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани, «Оқтепа» ҚФЙ, Мингўрик маҳалласида жойлашган ғишт заводи бостирмалари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 170 330 000 сўм.***

Шунингдек, 2016 йил 7 июнь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

* 2013 йил 24 декабрдаги 19162-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 4-уйда жойлашган, «Олмалиқсаноатвентиляция» ШКга тегишли, жами майдони 520,30 кв.м. бўлган кўчмас мулклар.

***Бошланғич баҳоси — 101 002 611 сўм.***

* 2013 йил 10 июлдаги 7236-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/3-микрорайонда жойлашган, «Олмалиқ оби нон» ХКга қарашли, умумий майдони 537,3 кв.м. бўлган икки қаватли бино.

***Бошланғич баҳоси — 152 881 722 сўм.***

* 2013 йил 10 июлдаги 7236-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Эҳтиром (собиқ Примқулов) кўчасидаги «Ойдин деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, литер-002, литер-004, литер-005, литер-006, литер-011, литер-012, литер-013, литер-010, литер-014, литер-015, литер-003, литер-007, литер-009 бўлган савдо дўконлари.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 15 593 105 сўм.***

* 2013 йил 15 февралдаги 597-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Эҳтиром кўчасида жойлашган, литер-0008, литер-0009, литер-0013, литер-0014, литер-0015, литер-0016, литер-0021, литер-0022, литер-0023, литер-0024 бўлган савдо дўконлари.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 17 166 431 сўм.***

* 2013 йил 15 февралдаги 597-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Эҳтиром кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, литер-0003, литер-0004, литер-0005, литер-0006, литер-0007, литер-0010, литер-0025, литер-0026, литер-0027 бўлган савдо дўконлари.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 9 586 437 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.**

Хизматлар лицензияланган.

781R/356

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Яқинда испан тилида чоп этиладиган “El Pais” газетасида “Буюк Ипак йўлидаги мовий гумбазлар” сарлавҳали мақола босилиб чиқди. У юртимизнинг бой тарихий-маданий мероси ҳамда сайёҳлик салоҳиятига бағишланган.

# «Буюк Ипак йўлидаги мовий гумбазлар»

“Ўзбекистон — Осиё юраги. Унинг бағрида Самарқанд, Бухоро, Хива сингари кўҳна ва навқирон ҳамда гўзал шаҳарлар жойлашган. Қарийб икки минг йил давомида бу мамлакат орқали ипак, нефрит, чинни, қоғоз, камёб зираворлар ва бошқа турли-туман маҳсулотлар юкланган карвонлар Шарқдан Ғарбга йўл олган. Ортга қайтишда эса қаҳрабо, мис, тери маҳсулотлари, шиша, фил суяги, қимматбаҳо тошлар, металл ҳамда атир сингари буюмлар келтирилган. Бироқ бу қадимий йўлдаги энг муҳим жараён турли халқлар ва динлар ўртасидаги ўзаро илмий ҳамда маданий алмашувлар эди”, дея ёзилади нашрда.

Муаллиф Рафаэль Пола диёримиздаги тарихий шаҳарларнинг диққатга сазовор масканлари хусусида ёзар экан, Ўрта асрларда бунёд этилган ноёб меъморий ёдгорликларнинг бутун гўзаллиги ва беқиёслигини газетхонларга етказишни ўз олдига энг асосий мақсад сифатида қўйган.

“Дунёдаги энг бой ва энг қизиқарли мозийга эга шаҳарлардан бири”, дея баҳо беради.

“Самарқанд Буюк Ипак йўлининг муҳим марказларидан саналган. Шаҳар икки минг йил давомида жаҳон маданиятлари ҳамда цивилизациялари билан ўзаро туташгани ва уларни бойитгани ҳолда, ривожланган, гуллаб-яшнаган. Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг бу бетакрор замин ҳақида қолдирган хотиралари ўқувчини хаёлан буюк Амир Темур даврига олиб боради”, деб айтиб ўтади журналист.

Бинобарин, соҳибқирон ҳамда унинг авлодлари томонидан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига нашрда алоҳида эътибор қаратилган. Материалда қудратли давлат пойтахти бўлган мазкур шаҳар бир неча бор вайроналикка юз тутганига қарамасдан, қайта қад ростлаб, ўз гўзаллиги ва аҳамиятини янада оширгани қайд этилган: “Шаҳар маҳобатли меъморчилик ансамблига эга бўлгани ҳолда, ўз даврининг жаҳон миқёсидаги маданият ҳамда илм-фан марказларидан бири эди”.



“Масжиду мадрасаларнинг мовий гумбазлари, ҳашаматли миноралар, қалъа деворлари кишини “Минг бир кеча” эртаги муҳитига олиб киради, — деб таъкидлайди у. — Хива кўчаларида сайр қилар экансиз, кўҳна савдо йўли бўйлаб ҳаракатланган карвонлар учун бу шаҳар орзудаги воҳа бўлганини ҳис этасиз”.

Жаноб Пола ўқувчиларни Хивадаги Ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлар билан таништириб, Калтаминор, Тош ҳовли саройи каби обидалар хусусидаги маълумотларга алоҳида тўхталиб ўтган.

Кейинги сатрларда ислом ҳамда дунё маданиятига улкан ҳисса қўшган Бухоронинг таърифу тавсифи қаламга олинган.

“Х асрда Бухоро мусулмон дунёси илм-фани ва адабиётининг пойтахти ҳисобланган. Инсоният учун бу шаҳар ўз даҳоси, тиббиёт асосчиси — Абу Али ибн Сино ҳамда бошқа кўплаб олимлар, шоиру мутафаккирларга бешик бўлган”. Муаллиф Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси, кўҳна Арк қалъаси, “Лаби Ҳовуз” тарихий мажмуи сингари қадамжолар ҳақида ўз ҳаяжонларини баён этган.

Сўнгра испан ижодкори нашр муштарийларини Шарқ дурдонаси — Самарқанд томон “етаклаб”, унга Р. Пола “El Pais” газетасида Самарқанднинг ноёб гўзаллигини тасвирлар экан, “Биби Хоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуи, Регистон майдони сингари тарихий ёдгорликлар ён-атрофдаги замонавий бинолар ва инфратузилмалар билан уйғунлашиб, шаҳарнинг жозибасию мўъжизакорлигини янада оширади”, дея ўз фикрига якун ясаган.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид



# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ, ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Халқимиз азалдан фарзандлар бахту иқболи, истиқболи учун қайғуриб яшашга одатланган. Мустақиллик йилларига келиб, ана шу эзгу анъаналар давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бунинг замирида, энг аввало, баркамол авлодни вояга етказиш мақсади мужассам.

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

Ўғил-қизларимиз маънавий ва жисмоний камолоти ҳақида сўз кетар экан, бунда спортнинг ўрни беқиёслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бинобарин, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк келажакни бунёд эта олади. Бугун жаҳон ареналарида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз довруғини дунёга ёяётган ёшларимиз ютуқларини кўриб, бунга ишончимиз янада ортаяпти. Муҳими, ушбу соҳада яратилаётган беқиёс имкониятлар хоразмлик минглаб спортсевар йигит-қизларга ҳам юксак шижоат, куч-ғайрат бағишлаётир.

Хусусан, 2003 — 2015 йиллар давомида воҳада Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 108 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 96 таси қишлоқ жойларда барпо қилингани воҳанинг чекка ҳамда олис ҳудудларида яшаётган навқирон авлод вакиллари учун ҳам кенг ва тенг имкониятлар яратмоқда. Ҳозир ана шу объектларда 6 — 15 ёшдаги 275 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 30 дан ортиқ тури бўйича ташкил этилган машғулотларда қатнашаяпти. Жумладан, ҳududдаги мавжуд 12 та сузиш ҳавзасида 3 минг 354 нафар ёш ўз маҳоратини ошираётир.

Урганч шаҳрининг Ёшлик кўчасида бунёд қилинган янги спорт шаҳарчаси ҳам бугун келажагимиз эгалари билан гавжум. Бу ердан 930 ўринли ёпиқ спорт манежи, 150 ўринли ёпиқ сузиш ҳавзаси, универсал спорт заллари, гимнастика зали, 960 ўринли сунъий қопламали очиқ футбол майдони жой олган. Мажмуада қарийб 500 нафар спортчи бир вақтнинг ўзида 20 га яқин спорт тури бўйича шуғулланиш имкониятига эга.



Эътиборли жиҳати, бундай имкониятлар самараси қисқа даврда бўй кўрсатмоқда. Пировардида мактаб ёшидаги ўғил-қизлар саломатлиги ҳамда жисмоний ривожланишида ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланаяпти. Масалан, ҳозирги кунда Хоразмда мутлақ соғлом болалар салмоғи 61,5 фоизга етгани, мазкур кўрсаткич 2003 йилдагига нисбатан 18,6 фоиз юқорилиги фикримиз далилидир. Узлуксиз равишда ташкил қилинаётган мусобақалар ҳам спортни оммалаштиришда муҳим ўрин тутаётир. Ўтган йили вилоятда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар ўртасида уюштирилган 1200 дан зиёд ана шундай спорт тадбирларида 110 минг нафардан ортиқ ёшлар қатнашди. Бу эса, ўз навбатида, катта-катта муваффақиятлар учун пойдевор бўлаяпти. 2015 йилда ҳудудда 387 нафар спорт усталигига номзод, 43 нафар спорт устаси етишиб чиққани қувонарли ҳол. Ўтган йили халқаро спорт мусобақаларида иштирок этган вилоят ёш спортчилари 138 та медаль соҳибига айланишди. Республика миқёсида ўтказилган беллашувларда ҳам 345 нафар хоразмлик ўғил-қиз совриндор бўлди.

Хусусан, Урганч тиббиёт коллежи ўқувчиси Нодира Собирова Қозоғистонда эркин кураш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкиллаштирилган халқаро турнирда, Ҳазорасп туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Нодирбек Ёқуббоев Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган Бутунжаҳон Олимпиадасида, Урганч шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Эгамберди Қурбонов Россияда бокс бўйича уюштирилган халқаро турнирда ғалаба қозонди. Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган шотокан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионатидан эса Гурлан туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Ширин Раҳимова кумуш медаль билан қайтди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Шунингдек, Янгибозор туманидаги “Тўмарис” аёллар футбол жамоасининг тўрт нафар аъзоси Ўзбекистон терма жамоаси таркибида халқаро мусобақаларда қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари, ёш спортчиларимиз Индонезияда баскетбол бўйича Осиё чемпионати, Босния ва Герцеговинада эркин ҳамда юнон-рум кураши, Чехияда трамполинда сакраш мусобақаларида муваффақият қозонишди. Қувонарлиси, ана шу ёшларнинг ютуқлари улар тенгдошларини ҳам спортга ошно бўлишга илҳомлантираяпти.

Умуман, вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг, самараси юксак. Истиқболли режалар ҳам бисёр. Уларнинг изчил ижроси учун эса шароитлар етарли. Бу келгусида Хоразмдан яна кўплаб чемпионлар етишиб чиқади, деганидир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Тиббий хизмат: кеча, бугун, эртага

Тошкентда Ўзбекистон ревматологларининг I съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган ушбу анжуманда мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлардан келган мутахассислар қатнашди.

**ТАДБИР**

Тадбирда таъкидланганидек, бугун юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида тиббиётнинг барча бўғини қатори ревматология соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда мазкур йўналишда ташхислаш ва даволашда янги технологияларнинг амалиётга изчил жорий этилаётгани қатор хасталикларнинг олдини олиш имконини бераётир.

Маълумки, ревматологик касалликларнинг аксарияти сурункали кечувчи ҳамда кўпинча инсон ҳаётига салбий таъсир қилувчи хасталиклар сирасига киради. Унинг пайдо бўлишига турли инфекциялар, организмдаги аутоиммун, метоболик сингари ўзгаришлар сабабдир. Ревматологик касалликлар туфайли юрак, буйрак, қон томирлари каби ички аъзолар ҳам жиддий зарарланиши мумкин.

“Ревматологик хизмат: кеча, бугун, эртага” мавзуида уюштирилган икки кунлик анжуманда соҳадаги энг сўнгги янгиликлар ҳақида сўз юритилди.

— Биз юртингиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқлар, замонавий ташхислаш технологиялари, соҳада тўпланган тажрибалар билан танишдик, — дейди анжуман иштирокчиси, россиялик профессор Евгений Жиляев. — Ўзбекистонда тиббиёт энг илғор ускуналар билан таъминланган бўлиб, малакали мутахассисларга эга. Анжуман давомида ҳамкасбларимиз билан ўз тажрибаларимиз борасида ўртоқлашдик, ҳамкорлик хусусида келишиб олдик.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ревматологик хасталикларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш учун етарли имкониятлар мавжуд. Чунончи, лаборатория текширувлари, мураккаб иммунологик таҳлил, компьютер томографияси, мультиспирал, радиоизотоп текширувлар ана шулар жумласидандир.

— Ревматологик касалликлар ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланиб, у инсонда иш қобилиятининг эрта пасайиши, баъзан бутунлай йўқотилиши билан кечади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси доценти Нигора Аҳмедова. — Шу боис касаллик эрта аниқланиб, тўғри даволанганда, уни енгиш осон кечади. Бинобарин, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзига амал қилинса, бундай муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Анжуманда ревматология соҳасида юқори технологияли диагностика усулларидан кенг фойдаланиш, хасталикни барвақт аниқлаш ва ташхислаш, янги дори воситалари, тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида қатор маърузалар тингланди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

*Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида “Нафосат куйчилари” деб номланган кўргазма ташкил этилди.*

## Нафосат куйчилари

Соғлом она ва бола йилига бағишлаб уюштирилган ушбу тадбирда иқтидорли мўйқалам усталари — Муҳаммадқул ҳамда Жамшид Чоршанбиевларнинг саксондан зиёд миниатюра, амалий санъат, ҳайкалтарошлик ишлари намойиш қилинмоқда. Айниқса, қишлоқ одамлари, табиат манзаралари, урф-одатлар, умрбоқий анъаналар тасвирланган “Чойхона”, “Гуллаётган барбарис”, “Овга тайёргарлик” туркуми, “Ой шуъласидаги Ғилон”, “Карвон”, “Мажнун чўлда” сингари тасвирлар ёрқин рангларда акс этгани билан ажралиб туради.

**Моҳира ТУРСУНОВА.**

## Ижодий асарлар кўргазмаси

*Пойтахтимизда Соғлом она ва бола йилига бағишланган “Биз — бахтли болалармиз!” номли кўргазма очилди. Ундан Яккасарой туманидаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази ўқувчилари томонидан чизилган расмлар ўрин олган.*

Марказда 26 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 600 нафарга яқин ўқувчи аъзо.

Шунингдек, пойтахтимиздаги 82-мактабда ҳам республика “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази томонидан “Ёш истеъдод эгалари” деб номланган кўргазма ташкил қилинди. Кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда ёш истеъдод эгаларининг элликдан зиёд ижодий ишлари намойишга қўйилган.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги жамоаси республика архив иши соҳаси фахрийси, профессор
**Иброҳим Абдуғаффорович АЛИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий бадиий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири Ҳулкар Ҳамроевага отаси
**Ҳамидулла ҲАМРОЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Биласизми?**



Отқулоқ — торонгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, Ўзбекистонда унинг 12 тури учрайди. Улар тоғларда, дарё ва ариқ бўйларида, турли экинлар орасида, далаларда ўсади.

# Саломатлик малҳами

Кейинги пайтда ушбу наботот намунаси сабзавот экини сифатида парваришланмоқда. Негаки, бу шифобахш неъматга халқ табобати ҳамда фармацевтика саноатида талаб катта.

Отқулоқ таркибида, асосан, нордон калий тузлари бўлиб, у тўқималарда ва суюқлик (қон, пешоб, бўғим суюқлиги)ларда модда алмашинувини яхшилаш хусусиятига эга. Инсон организмида кальций билан бирикиб, оксалат тузини ҳосил қилади. Шунинг учун моддалар алмашинуви бузилганда, отқулоқни кўпроқ тановул қилиш тавсия этилади.

Халқ табобатида отқулоқ барглари, гуллари, уруғлари, янги шираси ҳамда илдизи фойдаланилади. Масалан, ўсимлик уруғи ичкетарда яхши самара берса, шираси ва барг дамламаси таом ҳазмини маромига келтиради, жигар ҳамда юракни мустаҳкамлайди. Шунингдек, у қон тўхтатувчи, камқонлик, сурункали гепатит, шиш пайдо бўлганда малҳам сифатида қўлланилади.

Отқулоқ илдизидан тайёрланган қайнатма қабзиятга мубтало бўлганда сурги дори сифатида ишлатилади. Унинг барра барглари йирингли яралар битишини тезлаштиради. Бундан ташқари, у ўткир ва сурункали колит, энтероколит (ичаклар яллиғланиши), бавосир — геморройда яхши наф беради. Стоматит, бодомча безлари яллиғланиши (ангина)да отқулоқ дамламаси ғарғара қилинса, шифо бўлади.

Отқулоқ енгил ўт-сафро ҳайдовчи омил сифатида холецистит (ўт-сафро халтаси яллиғланиши)ни даволашда ижобий самара беради.

Отқулоқдан қайнатма қуйидагича тайёрланади: ўсимлик илдизидан 20 — 30 гр. (2 ош қошиқ) олиб, 200 мл. қайноқ сувга солинади-да, паст оловда ярим соат мобайнида қайнатилади. Қайнатма гижжаларга қирон келтиради.

Отқулоқ дамламасини тайёрлаш учун эса 200 мл. қайноқ сувга майдаланган баргларидан 2 чойқошиқ солиниб, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб олиниб, кунига 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, буйрак-тош хасталигига чалинган кишилар отқулоқни қўллашда эҳтиёт бўлишлари керак. Нега деганда, унинг таркибида кўп миқдорда шавель кислотаси мавжуд.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6